

ФУТБОЛ БЎЙИЧА
ЎН ЕТТИ ЁШГАЧА
БЎЛГАН ЎЗБЕКИСТОН
ТЕРМА ЖАМОАСИ
АЪЗОЛАРИГА

Азиз фарзандларим!
Ўн етти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Саудия Арабистони майдонларида бўлиб ўтган нуфузли мусобақада муваффақиятли иштирок этиб, юсак соврин – Осиё кубогини қўлга киритганингиз билан халқимиз номидан, ўз номимдан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Сизлар каби навқирон, азму шижоатли ёшларимизнинг бутун турнир давомида биронта ҳам мағлубиятга учрамасдан, рекорд натижа кўрсатиб, жонажон Ватанимиз шарафини мардона ҳимоя қилганлари, ҳеч шубҳасиз, миллий футболимиз тарихига олтин ҳарфлар билан ёзиладиган шонли воқеа, десак, тўғри бўлади.

Айниқса, финалда мусобақа мезбони – Саудия Арабистони каби ғоят кучли жамоага қарши кескин беллашувда турли босимларга қарамасдан, ўн бир ўйинчига қарши тўққиз футболчи шиддатли кураш олиб борганингиз чинакам жасорат ва матонат намунаси бўлди. Сизлар намоён этган юсак мардлик ва маҳорат ҳар қандай таҳсинга сазовордир.

Мусобақа якунига кўра, уч нафар истеъдодли ва моҳир спортчимиз якка тартибдаги совринлар эгаси бўлгани, жумладан, Неъматуллоҳ Рустамжонов – турнирнинг энг яхши дарвозабони, Асилбек Алиев – энг яхши тўпурари, Садриддин Ҳасанов – энг яхши футболчиси сифатида эътироф этилганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Эл-юртимиз сизларнинг тимсолингизда доимо олдинга интилиб яшайдиган, юсак марраларни забт этишга қодир Янги Ўзбекистон ёшларининг энг ёрқин вакилларини кўради ва сизлар билан ҳақли равишда фахрланади.

Мамлакатимизда спортга, жумладан, футбол ривожига берилаётган юсак эътиборнинг яна бир амалий натижаси бўлган мана шундай тарихий ғалаба учун сизларга, сизларни тарбиялаб вояга етказган ота-оналарингиз ва устоз-мураббийларингизга чин дилдан самимий миннатдорлик билдираман.

Сизлар ушбу ғалабадан руҳланиб, шу йил ноябрь ойда Қатарда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида ҳам Осиёнинг ғолиб жамоаси сифатида муносиб иштирок этасиз, деб ишонаман.

Бахт ва зафар сизларга доимо ёр бўлсин, азиз фарзандларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

2025-yil
22-aprel
seshanba
№50
(5114)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri



Футбол бўйича U17 ёш тоифасидаги Осиё кубогига зафар қучган, халқимизнинг фахрига айланган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Тошкент аэропортида тантанали кутиб олинди.

Байрамона ўтган тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг футболчиларимизга йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси департаменти раҳбари О.Абдурахмонов Президентимизнинг тегишли фармони билан спортчилар ва уларнинг мураббийи, футбол тарғиботи йўлида фидойилик

кўрсатиб келаётган спорт шарҳловчилари давлатимизнинг юсак мукофотлари – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устозини, «Келажак бунёдкори» ва «Шухрат» медаллари билан тақдирланганини эълон қилди.

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси мураббийи ва футболчиларига Президент совғаси – енгил автомобиллар қалитлари ва давлат мукофотлари тантанали топширилди.



Ў.А. суратлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎН ЕТТИ ЁШГАЧА БЎЛГАН
ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДАГИ ОСИЁ КУБОГИ
ЎЙИНЛАРИ ҒОЛИБЛАРИ ВА ИШТИРОКЧИЛАРИНИ
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзининг ёрқин истеъдоди ва профессионал маҳорати, улкан азму шижоатга ҳамда мустаҳкам иродасини намоён этиб, Саудия Арабистонида футбол бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган нуфузли мусобақада мислсиз жасорат ва матонат намуналарини кўрсатгани, Осиё кубогини қўлга киритиб, ўзбек футбол тарихида янги бир шонли саҳифа очгани, шунингдек, Янги Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтириш, ёш авлодни миллий гурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишида фол иштирок этиб келаётгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ
УСТОЗИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

Исмоилов Ислонбек Муродбек ўғли
– Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийси

«КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ»
МЕДАЛИ БИЛАН

Абдукаримов Миразиз Эркин ўғли
– Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Абдуллаев Фариджон Нодиржон ўғли
– Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Абдумунинов Азизбек Икромжон ўғли
– Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Алиев Асилбек Равшанжон ўғли
– Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар

терма жамоаси аъзоси

Баходирхонов Муминхон Исохон ўғли
– Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Ботиралиев Ҳожиакбар Хайрулло ўғли
– Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Еримбетов Азизбек Мухаммед Али ули
– Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Избасканов Баҳадир Махсатбаевич
– Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Махмуджонов Дилёрбек Санжарбек ўғли
– Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Муратов Амирхон Шухрат ўғли
– Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Мусаханов Мухаммадали Алижонович
– Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Мухаммадов Акбар Алишерович
– Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Рустамжонов Неъматуллоҳ Шухратжон ўғли
– Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Рустамов Жамшидбек Абдоржон ўғли
– Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Сайдмуродов Бехрўз Ғайрат ўғли
– Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Сарсенбаев Нурбек Рахатович

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2025 йил 21 апрель

Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Содиқов Сайфиддин Бахтиёр ўғли
– Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Фазлиддинов Абдуллоҳ Зайлиддин ўғли
– Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Ҳакимов Мухаммад Улуғбек ўғли
– Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Хасанов Садриддин Зайниддин ўғли
– Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Ҳабибуллаев Мухаммад Қодиржон ўғли
– Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Шокиров Иброҳим Жамшид ўғли
– Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Шукуруллаев Абубакир Азиз ўғли
– Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

«ШУҲРАТ»
МЕДАЛИ БИЛАН

Джуроев Отабек Рустамович – Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорациясининг «Sport» ижодий бирлашмаси бош мутахассиси

Толипов Орифжон Боходирович – Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорациясининг «Sport» ижодий бирлашмаси «Футбол ТВ» телеканали муҳаррири

Ш.МИРЗИЁЕВ

■ ХИСОБОТ-САЙЛОВ

Айни кунларда юртимиз бўйлаб корхона, ташкилот ва муассасаларда бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларининг ҳисобот-сайловлари бўлиб ўтмоқда. Бу жараён Қашқадарё вилоятида ҳам қизғин кечмоқда. Ҳозиргача вилоятда мавжуд 3027 та касаба уюшмаси ташкилотининг 3023 тасида ҳисобот-сайловлар бўлиб ўтди. Уларнинг 107 тасида яширин овоз бериш тартиби қўлланилди.

ҒАЛВИР СУВДАН
КЎТАРИЛАДИГАН ПАЛЛА

Муҳими, бу йилги сайловлар олдингиларидан фарқли ўлароқ муқобиллик асосида ўтказилмоқда. Бу эса касаба уюшмаларининг жамиятимиз ҳаётида нуфузи ошиб бораётганидан далолат беради. Авваллари кўплаб бошланғич ташкилотларда амалдаги раис номзоди қайта-қайта сайловга қўйилган бўлса, эндиликда унга муқобил равишда бир нечта номзод кўрсатилмоқда. Вилоятда янги сайланган раислар 552 нафарни ташкил этяпти.

Шунингдек, касаба уюшмаси қўмитасининг сўнгги беш йиллик фаолияти аъзолар диққат марказида бўлмоқда. Улар ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимояси, меҳнат муҳофазаси, бандлик, маданий-маърифий тадбирлар, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш хўсусидаги ҳисоботларни диққат билан тинглаб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда.

Айни пайтгача ўтказилган ҳисобот-сайловларнинг ҳар бирини ишонч билдирилган номзодлар ҳолислик ва адолат мезонлари асосида сайланди. Қарши шаҳридаги 24-мактабда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилиши фикримизни тасдиқлайди. Ҳодимлар ўз тақдирига бефарқ эмаслиги яққол сезилиб турган йиғилишда кун тартибдаги барча масалалар кўриб чиқилиб,

тегишли қарорлар қабул қилинди. Шаҳрисабздаги ногиронлиги бўлган шахслар учун аёлларга мўлжалланган «Муруват» номли интернат уйида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида амалдаги раис Қўндуз Хусайнова очик овоз бериш йўли билан қайта сайланди.

– Бу даргоҳда айни пайтда 263 нафар мутахассис ва техник ҳодимлар фаолият юритмоқда, – дейди Қўндуз Хусайнова. – Унда меҳнат қилишнинг ўзига яраша машаққатлари бор. 327 нафар бемордан 96 нафари ўзгалар парваршига муҳтож. Уларга меҳр бериш, иссик-совуғидан хабардор бўлиш тажриба, бимеҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари қўлай меҳнат муҳитида фаолият олиб боришларини таъминлашимиз зарур. Шу мақсадда тизимли ишларни олиб бораёلمиз. Хусусан, ўтган беш йил мобайнида мамлакатимизнинг тарихий шаҳарларига саёҳатлар ташкил этилди. Байрамлар муносабати билан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг бир ба-

равари қийматида пул мукофотлари бериб келинмоқда. Ойлик иш ҳақлари ўз вақтида тарқатилиши ҳамisha назоратимизда. Қолаверса, йилда бир марта 42 кунлик меҳнат таътилига чиққан ҳодимларга соғлиқларини тиклашлари учун моддий ёрдам ва санаторийларга йўлланмалар ажратилаяпти.

– Ҳар бир касаба уюшмаси қўмитаси раиси виждонан ишлаши керак, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қашқадарё вилояти кенгаши раиси Бахтиёр Жўраев. – Ўзибўларчиликка ташлаб қўйиш, ҳодимларга муносиб шарт-шароит яратиб бермаслик, мурожаатларини қонунда белгиланган тартибда ўрганмаслик, моддий ва маънавий қўллаб-қувватламаслик нафақат аъзолар тақдири, эртанги кунни, балки тизимда фаолият юритиб келаётган минглаб фидойи инсонларга бўлган ишонччи ҳам йўққа чиқаради. Ишчи-ҳодимларнинг манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқлари йўлида жонбозлик кўрсатган раисларнинг юзи ёруғ, яна сайланаяпти. Аксинча, етакчи ўз вазифасига масъулият билан ёндаша олмаган касаба уюшма ташкилотларида сайловчилар бошқа умидли, тажрибали номзодларга ишонч билдиришмоқда.

Баходир ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни 2003 йили хавфсиз, соғлом ва муносиб меҳнат муҳитини тарғиб қилиш мақсадида Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан таъсис этилган. Шу боис бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини камайтириш учун хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш нақадар зарурлигини доимо ёдимизга солиб туради.

ТАРИХГА БИР НАЗАР
ХМТ дунё миқёсида иш жойидаги хавфсизлик стандартлари ва амалиётларини такомиллаштиришда муҳим роль ўйнади.
• **АҚШ.** Меҳнат статистикаси бюроси (BLS) маълумотига кўра, 2020-2022 йиллар оралиғида уч миллионга яқин ўлимга олиб келмаган жароҳат ва касалликлар қайд этилган. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бошқармаси (OSHA) хавфларни камайтириш ва хавфсизлик маданиятини ошириш стандартларини босқичма-босқич жорий этяпти.
• **Англия.** Бу мамлакатдаги Меҳнатни муҳофаза қилиш ва саноат хавфсизлиги бошқармаси (HSE) 2019-2020 йилларда 700 000 га яқин ўлимга олиб келмаган жароҳатларни қайд этди. Агентлик фаолияти натижасида бу рақамлар 2022-2023 йилларда 550 000 дан ортққа камайди.
• **Австралия.** Сўнгги ўн йил ичида Safe Work Australia миллиондан ортқ компенсация даъволарини кўриб чиқди. Ҳар 1 000 000 кишига 1,4 та ўлим ҳолати тўғри келган. Бу борадаги кўрсаткичлар 30 фоизга камайди.
• **Европа Иттифоқи.** EU-OSHA хавфларни баҳолаш, олдини олиш стратегиялари ва хабардорлик кампанияларини илгари сурмоқда.
• **Ўзбекистон.** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси сўнгги 9 йилда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини ҳар йили таҳлил қилиб, ҳукуматга тегишли чора-тадбирлар белгилаш учун киритмоқда. Натижада превентив чоралар

ХАВФСИЗ, СОҒЛОМ ВА МУНОСИБ МЕҲНАТ МУҲИТИНИ ЯРАТИШ НАТИЖАЛАРИ

қуриш учун махсус ваколатли орган, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳўкимияти ҳамда масъул мутасаддиларга аниқ вазифалар белгилаб берилмоқда. Касаба уюшмалари ижтимоий ҳамкорлар билан манзилли дастурларни амалга ошириши натижасида меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Жумладан, ХМТ билан ҳамкорликда Ўзбекистонда меҳнатни муҳофаза қилиш ва Давлат меҳнат инспекциясини такомиллаштириш лойиҳаси амалга оширилмоқда.
Юртимизда меҳнатни муҳофаза қилиш шарҳи ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса ва касб касалликлари таҳлили асосида «Меҳнатни муҳофаза қилиш Миллий Дастури» тайёрланмоқда.

2025 ЙИЛ МАВЗУСИ – «МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ: ИШ ЖОЙИДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ВА РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ РОЛИ»
Ҳар йили ХМТ Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунини нишонлаш мавзусини белгилайди. Ўтган йили бу кун мавзуси «Иқлим ўзгаришининг меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига таъсири» билан боғлиқ эди. 2025 йилда «Меҳнат муҳофазасининг янги босқичи: иш жойида сунъий интеллект ва рақамлаштиришнинг роли» мавзуси танланган. Ушбу мавзу

бўйича муҳокамалар ақлли роботлар; сунъий интеллект ва автоматлашган ўқув жараёнлари; экзоскелетлар; ҳавода учувчисиз учадиган воситалар; IoT, яъни, нарсалар интернети, бу — қурилмалар ва булут (облако) ўртасида, шунингдек, қурилмаларнинг ўзлари ўртасидаги алоқани осонлаштирадиган уланган қурилмалар ва технологияларнинг жамоавий тармоғи; виртуал ва кенгайтирилган борлик каби масалаларни қамраб олади.
Кампания, шунингдек, вазифаларни автоматлаштириш, катта маълумотларни таҳлил қилиш, ақлли рақамли тизимлар ва сунъий интеллект орқали ходимларни бошқариш каби янги иш амалиётларини ёритади. Янги технологиялар, шунингдек, рақамли платформадаги иш ва масофавий иш/гибрид иш/теле иш каби янги меҳнат турларига эътибор қаратилади.

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ НИМА?
Одатда сунъий интеллект деб аталадиган AI (Artificial intelligence) маълумотлар ва инсон интеллектини машиналарга ўтказиш жараёнидир. Сунъий интеллектнинг асосий мақсади — одамлардек фикрлайдиган ва ҳаракатланадиган автоном машиналарни ишлаб чиқиш. Улар инсон хатти-ҳаракатларига тақлид қилиши ва ўрганиши, муаммоларга ечим топиш орқали вазифаларни бажариши мумкин. Аксарият AI

тизимлари мураккаб муаммоларни ҳал этиш учун табиий ақлга тақлид қилади.
Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги соҳасида AI ва рақамли воситалар инқилоб яратяпти. Бугунги кунда роботлар хавфли шароитларда оғир ишларни бажаради, заҳарли моддалар билан ҳам, ҳаддан зиёд юқори ҳароратда ҳам ишлайди. Улар такрорий ва монотон вазифаларни бажаради, рақамли қурилмалар ва сенсорлар хавфларни эрта босқичда аниқлаши мумкин. Шу билан бирга, тегишли меҳнатни муҳофаза қилиш чоралари мавжуд бўлмаганда, рақамли технологиялар бахтсиз ҳодисаларга, эргономик хавф-хатарларга, иш интенсивлиги ошишига, иш устидан назорат пасайишига ва уларнинг орасидаги чегаралар хиралашишига олиб келиши мумкин.
AI билан боғлиқ саволлар кўп. Дейлик, AI бандлик ва ишчи кучига қандай таъсир қилади, AI тизимлари хавфсизлигини қандай таъминлаш мумкин, AI муаммоларини ҳал қилишнинг калити нима, 2025 йилда сунъий интеллектнинг асосий муаммолари қандай ва ҳоказолар.

Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аппаратининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири

■ УЧРАШУВ
ЙўЛЛАР РАВОН БЎЛСА, КўНГИЛЛАР ЧАРОҒОН БЎЛАДИ
Йўллар нафақат кишлоқларни кентларга, шаҳарларни давлатларга, айтиш жоиз бўлса, кўнгилларни ҳам бир-бирига боғлайдиган кўприкдир. Мамлакат тараққиёти, халқнинг яшаш тарзи ва кайфияти айнан шу манзилдаги йўллар сифатига қараб баҳоланади.

Бугун бошқа ҳудудлар каби Жиззах вилоятида ҳам йўл-қурилиш соҳасида талай ишлар амалга ошириляпти.
Вилоят Автомобиль йўллари бош бошқармасида касаба уюшмаси томонидан ўтказилган «Уч авлод учрашуви» тадбирида шу ҳақда айтиб ўтилди. Очиқ мулоқотда йўл-қурилиш соҳасида узоқ йиллар меҳнат қилган фидойи касб эгалари, фаолият юритаётган ишчи-ҳодимлар, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.
Тадбир аввалида «Йиллар ва йўллар» видеоролиги намойиш этилди.
Ўзаро фикрлашув чоғи соҳада узоқ йиллар ишлаган фидойилар меҳнати бирма-бир тилга олинди. Хусусан, Зокир Мансуров вилоят бошқармасига 15 йилдан ортқ раҳбарлик қилган. Бу даврда Жиззах шаҳридаги Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси қурилишига ҳисса қўшган. Бундан ташқари, йирик қурилиш — «Айдар-Арнасой» кўли сув омборини барпо этиш, у ерга элтувчи йўлларни қуришда жонбозлик кўрсатган. Меҳнатлари муносиб баҳоланиб, «Шуҳрат» медали билан тақдирланган.

Хосият Турдимўхаммедова ва Оқил Солиевлар ҳам вилоят автомобил-биль йўллари текис ва равон бўлиши учун фидокорона меҳнат қилгани боис, ҳозирги кунда меҳнат фахрийси сифатида улуғланмоқда.
«Янги Ўзбекистон» йўлларини барпо этишда 3-авлод устози Улуғбек Бўронов Зомин йўлларининг тубдан ўзгариши ва янгилари қурилишидаги фаол хизмати учун «Дўстлик» ордени билан мукофотланган.
Сухбат давомида фахрийлар бой тажрибаси, ёшлик давридаги ўзига хос қийинчиликлар, бугунги кунда кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиром ҳақида самимий фикрларини изҳор этишди.
Тадбирнинг бадийий қисмида меҳмонлар учун ажойиб куй-кўшиқлар, рақслар ва сахна кўринишлари намойиш этилди. Шундан сўнг бир гуруҳ меҳнат фахрийларига бошқарма касаба уюшмаси қўмитаси томонидан эсдалик совғалари топширилди.
Маъхура ЖУРАҚОВА
«ISHONCH»



БУХОРОДА ТАФАККУР БАҲСИ

Касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги муносабати билан юртимиз бўйлаб қатор маданий-маърифий ва спорт тадбирлари ўтказилляпти. Хусусан, «Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ҳафталиги» доирасида муассасаларда бу каби тадбирларнинг салмоғи ортди.

Ҳафталикнинг илк куни Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан Бухородаги «Варнет» ботаника боғида таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагог ходимлар, касаба уюшмалари фаоллари ўртасида «Заковат» интеллектуал ўйини ўтказилди.
— Бу интеллектуал ўйин шунчаки беллашув эмас, балки жамоавий фикрлаш майдони, тафаккур баҳсидир. Шунингдек, кас

саба уюшмалари ҳаракати тарихи, бугунги кундаги фаолияти, ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ҳақида фикр алмашиш ва билимларни бойитиш имкониятидир, — деди тадбирнинг очилишида тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Равшан Бедиллов. — Бундай анжуманлар касаба уюшмалари фаолларининг салоҳияти, ижтимоий фаоллиги ва жамоадаги ролини янада юксалтириб, ҳуқуқий саводхонликини ошириш, ижтимоий онг ва

■ ЗАКОВАТ
жамоавийлик туйғусини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.
Интеллектуал ўйинда вилоятдаги турли таълим муассасалари ва олий ўқув юр்தларидан 16 та жамоа, жами 96 нафар билимдон иштирок этди. Улар касаба уюшмалари тарихи, ривожланиш тенденциялари, меҳнат қонунчилиги, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ва маънавий соҳаларга оид саволларга жавоб беришди.
— Бугунги тадбир биз, ёшлар учун ҳақиқий илҳом манбаи бўлди, — дейди Бухоро давлат педагогика институти доценти Гавҳар Рустамова. — Зеро, интеллектуал ўйинлар орқали нафақат билимимиз, балки жамоавий ҳамжиҳатлигимиз ҳам мустаҳкамланади.
— «Заковат» ўйинига тайёргарлик жараёнида касаба уюшмалари тарихи ва ҳуқуқий асослари билан яқиндан танишдиб, — дейди Қорақўл туманидаги 34-мактаб ўқитувчиси Қувондиқ Музаффаров. — Айниқса, меҳнат қонунчилиги бўйича берилган саволлар жуда қизиқарли ва манфаатли бўлди. Натижада ҳуқуқий билимларим янада ошди.
Қизгин кечган беллашувларда мутлақ ғолиблик Олот туманининг «Сапиенс» жамоасига насиб этди. Иккинчи ўринни Бухоро туманининг «Бухорий издошлари», учинчи ўринни Қорақўл туманининг «Таянч» жамоалари эгалладилар.
Ғолиб жамоалар Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Райҳон НОСИРОВА,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

■ ТАНЛОВ
фахр-ифтихор, миннатдорлик туйғуларини шакллантириш.
Танлов ғолиблари ва иштирокчилари ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.
Гулноза ТОШПЎЛОВА,
Қўлқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси

ИСИТИШ ТИЗИМИНИ ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЯНГИ ЛОЙИҲА



Эъзоза УМУРЗОҚОВА олган сурат

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси ва Жаҳон банкининг қўшма лойиҳаси доирасида «Бухоро, Андижон, Чирчиқ ва Самарқанд шаҳарларида марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини реконструкция қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.
Ушбу лойиҳа ҳудудлардаги хонадонларнинг иситиш таъминотини, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга, совуқ кунларда аҳоли уйларининг иссиқ ҳароратда бўлишини таъминлашга қаратилган. Тадбирда лойиҳанинг асосий мақсади, олиб борилаётган ама

лий ишлар хусусида сўз борди.
— Лойиҳа бўйича аҳоли хонадонларида 5 йил муддатга фоизсиз тўлов асосида иситиш радиаторлари ўрнатилиш назарда тутилган. Натижада, 1030 та кўпқаватли уй, 51786 та квартира, 97 та ижтимоий соҳа объекти марказлаштирилган сифатли иссиқлик таъминоти билан таъминланади. Лойиҳа сараси ўлароқ, йилга 56 миллион тонна табиий газ, 16 миллион кВт электр энергияси, 1,5 миллион куб метр совуқ сув тежалишига эришилади, — дейди «Кўп квартирали уйларни капитал ва жорий таъмирлаш иссиқлик таъминоти объект-

ларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси» вакили Муслимбек Неков.
Лойиҳа вилоятлар кесимида амалга оширилиб, олис ҳудудлардаги одамларнинг турмуш шароити ҳам яхшиланишига ҳисса қўшмоқда. У нафақат иссиқлик таъминотини яхшилашга, балки энергия ресурсларини тежаш орқали экологик барқарорликка ҳам хизмат қилади.
Анжуман якунида оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Диёра РАВШАНОВА
«ISHONCH»

■ СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ ҚИСҚАРТИРИШГА ТУШГАН ХОДИМНИНГ ҚАНДАЙ ҲУҚУҚЛАРИ БОР?

САВОЛ: Корхонамизда ишлаб чиқаришга янги технологиялар жорий қилиниши боис штатлар қисқариши ҳақида хабарнома олдим. Бу ҳолатда кимларга имтиёз берилади? Ишдан бўшатиладиганлар қандай ҳуқуқ ва имтиёзларга эга?
Шавкат СОДИҚОВ
Бухоро вилояти

ЖАВОБ: Амалдаги Меҳнат кодексининг 167-моддаси талабларига мувофиқ, технологиянинг ўзгариши сабабли ходимларнинг штати қисқарадиган бўлса, билим ва тажрибаси етарли, меҳнат самарадорлиги юқори бўлган ходимга имтиёз берилади. Ишчиларнинг малакаси ва иш унумдорлиги бир ҳил бўлган тақдирда қарамоғида икки ёки ундан ортқ шахс, оиласида ундан бошқа даромад оладиган одам йўқ ходимга, ўша корхонада узоқ йиллардан буюн фаолият юритиб келаётган хизматчиларга афзаллик берилиши мумкин.
Қисқартиришга тушган ходим ҳафтада бир кун ишга чиқмаслик ҳуқуқига эга. Бунда иш ҳақи сақланиб қолади. Чунки корхона раҳбарияти хизматчини қисқартиришга тушгани ҳақида огохлантириб, унга муддат тайинлайди. Шу сабабли унга ҳафтада камида бир кун ишга чиқмаслик ҳуқуқи берилиши лозим.
Қисқартиришга тушган ходим иш берувчи томонидан тақлиф қилинган бошқа ишда ишлаш ҳуқуқига ҳам эга бўлади, яъни ходимнинг меҳнат шартномасида кўзда тутилган меҳнат вазифасини бажаришнинг илочи бўлмаса, иш берувчи ходимга мутахассислиги ва малакасига мос келадиган бошқа ишга ўтказишни, бундай иш бўлмаган тақдирда эса, корхонада мавжуд бошқа ишни тақлиф этиши шарт. Бундан ташқари, қисқартиришга тушган ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи ишдан бўшатиш нафақаси ҳисобга олинган ҳолда икки ойлик иш қидириш даврида сақланиб қолади. Агар, қисқартиришга тушган ходим меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин ўттиз календарь кун ичида маҳаллий меҳнат органида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтган бўлса, у аввалги иш жойидан учинчи ой учун ҳам ўртача ойлик иш ҳақини олиш ҳуқуқига эга.
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

■ КАСАБА УЮШМАСИ АРАЛАШГАЧ...

Одамлар тилида тоғ боши қорсиз бўлмас, йигит боши – хатарсиз, деган ибора тез-тез янграб туради. Бу топиб айтилган гап. Чунки бугун соппа-соғ юрган киши кутилмаганда бахтсиз ҳодисага йўлиқиши мумкин. Бу ҳолат, айниқса, оғир меҳнат билан банд бўлганлар орасида кўп учрайди. Масалан, дунё миқёсида меҳнат жамоаларида ҳар йили 300 миллиондан ортиқ бахтсиз ҳодиса содир бўлиб, ишлаб чиқаришда орттирилган касб касалликлари туфайли 2 миллион 780 минг ходим ҳалок бўларкан. Бир кўз олдингизга келтириб кўринг-а... Ҳар ҳолда, кичкина рақамлар ҳақида сўз кетмаяпти...

ЙЎҚОТИЛГАН
СОҒЛИҚУЧУН ТОВОН

Ташкилот ва корхоналарда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун саъй-ҳаракатлар олиб боришмоқда. Хусусан, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг янги тахририда қабул қилиниши ва тизимни тартибга солувчи бошқа қонуности ҳужжатлар ушбу муаммони бартараф этишда дастуриламал бўлмоқда. Аммо...

Тегишли қонунчиликка биноан, ходим иш вақтида тан жароҳати олса ёхуд вафот этса, жабрланувчи ёки унинг оиласига компенсация тўланиши шарт бўлса-да, буни амалда бажармаётган иш берувчилар, афсуски, етарлиқ топилади. Жиззахлик Элмурод Саманов ҳам ана шундай раҳбарлардан жабр кўрган фуқаролардан бири.

Гап шундаки, у «KARBONAT» АЖда электр ва газ пайвандловчи лавозимида ишлаб келаётган вақтида бахтсиз ҳодисага йўлиқди. Ғаллаорол туманлараро 32-ТИЭК (Тиббий-иқтимоий эксперт комиссияси)нинг тегишли хулосасига кўра, унга II гуруҳ ногиронлиги тайинланди. Соппа-соғ

эркак бир кунда меҳнатга яроқсиз бўлиб қолди.

Шундан сўнг унга «KARBONAT» АЖ ойма-ой 18 784 160 сўм тўлаб бориши керак эди. Лекин иш берувчи масъулиятни ҳис қилмади, аксинча, ўз ходимини сарсон-саргардон қилди.

Жабрланувчининг аёли Ойсафар Тургунова Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгашига йўллаган мурожаати асосида иш берувчига кўрсатма хати юбордик. Бироқ корхона раҳбарияти тақдимономани писанд қилмади. Бу лоқайдлик уларга қимматга тушди. Чунки фуқаронинг қонуний манфаатини кўзлаб судга даъво-ариза киритдик. Суд адолатли қарор чиқарди. Зарар пуллари иш берувчидан мажбурий тартибда ундириладиган бўлди.

Алишер БУРҲОНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Жиззах вилояти кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича етакчи мутахассиси



Фуқаролик ишлари бўйича Қуйчирик туманлараро судида навбатдаги иш кўрилмоқда. Судья 5 нафар даъвогар ва иш берувчига сўз берди.

– Бизга 2005 йилдан буён 15 фоизли устама пули тўланмапти. Шуну ундиришни даъво қилгилмиз, – дейишди ходимлар.

– Муассаса санитария бўлимининг врач ёрдамчилари, яъни даъвогарлар зарарли омиллар билан ишламайди. Устама смета харажатларига киритилмаган. Бу молия нозоратидаги масала. Шунинг учун устама тўланиши қонунга зид, – деди иш берувчи.

– Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори бўйича устама тўланиши шарт! – дея таъкидлади меҳнат ҳуқуқ инспектори.

Иш бўйича айрим ҳужжатлар етарли эмаслиги ҳамда туман молия бўлимидан мутахассис иштирок этиши зарурлиги туфайли суд учинчи марта бошқа кунга қолдирилди.

– Айни пайтда Санитария-эпидемиологик осийишталик ва жамоат саломатлиги марказларининг санитария бўлимларида устама тўлаш муаммо бўляпти, – дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори Мухаммаджон Рўзметов. – Бу нафақат Тошкент вилоятида, балки республикамизнинг бошқа ҳудудларидаги «санэпид»ларда ҳам кузатиляпти. Айрим марказлар устама тўлаяпти, айримлари йўқ. Аслида устама тўланиши керак.

Масалан, марказнинг санитария бўлимидаги врач ёрдамчилари устама олишмайди,

эпидемиология бўлимидаги врач ёрдамчиси штатидаги ходимлар эса олишади. Шу жойда бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш жоиз. Яъни, 15 фоизлик устама олмаётган ходимлар зарарланган объектларни назоратдан ўтказиш чоғида хавфнинг юқумлилик даражасини билмайди. Устама олаётганлар эса касаллик аниқлаб бўлинганидан кейин унга қарши ҳимояланиб боришади. Демак, ўз-ўзидан ҳақли савол туғилади. Зарарланган ҳудудларга ҳимоясиз кириб борадиган ходимларга нима учун устама тўланмаслиги керак? Ахир, Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори бўйича врач-эпидемиолог, энтомолог, паразитолог, санитария врачлари ёрдамчиси, электромагнит майдонлари лабораториялари техник ходими ҳамда лаборанти лавозими учун устама тўланиши шарт-ку!

Утган йили бизга Бўка тумани СЭОМда врач ёрдамчиси бўлиб ишловчи бир фуқаро шу масала юзасидан мурожаат йўллади. Гап шундаки, унга 2020 йилгача устама тўлаб келинган. Муассаса номи ва ундаги бўлимлар номланиши ўзгаргач, иш берувчи устамани тўхташиб қўйган. Мазкур масала бўйича ваколатимиз доирасида судга даъво ариза киритдик. Иш салкам бир йилга чўзилди. Ахйир, адолат тикланди – ходимга устама пуллари тўлаб берилди.

Инспекторнинг қўшимча қилишича, Ангрен, Бекобод, Олмалик шаҳарлари, Бўка, Паркент туманларидаги бўлимларда ҳам шу ҳолат кузатишган, яъни ходимлар ҳақи суд орқали ундириб берилган.

Ҳақиқатан ҳам, бу тоифадаги ходимларга устама тўлаш Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган экан, уни бажармасликка масъулларнинг ҳақи йўқ. Аксинча, мутасаддилар сўз юритилаётган айни масала юзасидан ягона тартиб жорий этишларни жоиз. Акс ҳолда, яна қанчадан-қанча ходимлар суд оstonаларида сарғайиб, сарсон-саргардон бўлишига тўғри келади.

Холида
ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

■ «ISHONCH»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

РАҒБАТЛАНТИРИШ ТАРТИБЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

батлантирувчи қўшимча тўловлар ва устамалар тўланиши мумкин. Меҳнатга ҳақ тўлашда тўловларни ҳисоблаш тартиби ва уларнинг миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 апрелдаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида»ги 147-қарорига асосан, ҳокимият ва бошқаруви органлари, суд ва нотариал идоралар раҳбарларида белгиланган меҳнат ҳақи фонди доирасида ўз вазифаларини виждонан, шунингдек, алоҳида муҳим ва масъулиятли ишларни бажараётган ходимларни шу мақсадларга икки ойлик меҳнат ҳақи фонди миқдоридеги маблағларни йўналтириш ҳолда мукофотлаш ҳамда бир ойлик иш ҳақи фондини йўналтирган ҳолда ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш белгиланган. Ходимларни мукофотлашнинг миқдори ишнинг умумий натижасига, уларнинг шахсий улушига қараб белгиланиши кўрсатилган.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи, суд ва нотариал идора раҳбарини мукофотлаш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш юқори турувчи органининг қарори билан амалга оширилиши белгиланган.

Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 22 октябрда 3561-рақам билан дав-

лат рўйхатидан ўтказилган Бюджет ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди тўғрисидаги низомига асосан, ходимларни моддий рағбатлантириш махсус жамғарма маблағлари ҳисобидан ходимларга феолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларига эришганлик учун устама ва мукофот пуллари белгиланган йўналтирилиши белгиланган. Шунингдек, вазирлик ва идораларнинг ўзига хос хусусиятларига қараб, кўп йиллик хизматлари учун устамалар ва бюджетдан ташқари жамғармалардан қўшимча устамалар белгиланиши мумкин.

Ғазначилик хизмати
қўмитаси раиси А.ҲАЙДАРОВ

АМАЛИЁТДА МУАММОЛАР
КУЗАТИЛМАГАН

«Ishonch» газетасининг 2025 йил 3 апрелдаги сониди «Тил уқмас» дастурлар ўзбек тилини қашшоқлаштиришга хизмат қилаяптими?» сарлавҳали мақола эълон қилиниб, масъуллар ҳукмига ҳавола этилган эди. Унга Адлия вазирлигини қўйидаги мазмунда жавоб келди:

Фирма номлари тўғрисидаги қонунга мувофиқ, фирма номида адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга ўхшаш белгилар кўрсатилмаслиги белгиланган. Давлат хизматлари марказлари мазкур қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузмаган ҳолда хизмат кўрсатиб келмоқда ҳамда Ў, Қ, Ғ, Ҳ ҳарфлари қатнашган номлари танлашда амалиётда муаммолар кузатилмаган. Мисол тариқасида, жорий йил апрель ойининг ўзида «Мўъжиза меҳ центр», «Богот мебел Н-1» ва «Хўжақўрган яллов» номи билан рўйхатдан ўтган юридик шахсларни келтиришнинг мумкин.

Департамент бошлиғи Э.МАҲКАМОВ

ТЕГИШЛИ ШАРТНОМА АСОСИДА
АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Шунингдек, ушбу мақолага Рақамли технологиялар вазирлиги ҳам қўйидагича муносабат йўллади:

Президентимизнинг 2019 йил 18 майдаги ПҚ-4321-қарорининг 3-бандида ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва электрон ресурсларини яратишга доир лойиҳаларни амалга ошириш ва амалиётга жорий этиш ҳамда уларнинг узлуқсиз ишлашини таъминлаш вазирлик ва идоралар, ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилиши белгиланган қўйилган.

Шу муносабат билан ҳар бир ташкилот ўзи ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этган ахборот тизими (дастурий маҳсулот)ни доимий равишда такомиллаштириб бориши ва техник қўллаб-қувватлаш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиши лозим. Шунингдек, банклардан келадиган СМС хабарлар тури, матни ва бошқа жиҳатлари банк ва контент-провайдер уртасидаги тегишли шартнома асосида амалга оширилади.

Рақамли технологиялар вазирининг биринчи ўринбосари О.УМАРОВ

Эълон

«ASKIYA LOMBARD» МЧЖНИНГ
баланс ҳисоботи
2024 йил 31 декабрь ҳолатига

КОД	КЎРСАТКИЧЛАР	Минг сўмда
	АКТИВЛАР	
10	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари	24 282
20	Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар	177 865
30	Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар	230 157
40	Сотиб олинган дебиторлик қарзлари – факторинг, брутто	0
41	Минус: факторинг бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси	0
42	Факторинг, соф (40 код – 41 код)	0
50	Кредитлар (микрокредит, микроқарз, истеъмо), брутто	2 303 010
51	Минус: кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси	0
52	Кредитлар, соф (50 код – 51 код)	2 303 010
60	Лизинг, брутто	0
61	Минус: лизинг бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси	0
62	Лизинг, соф	0
70	Инвестициялар, брутто	0
71	Минус: Инвестициялар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси	0
72	Инвестициялар, соф	0
80	Асосий воситалар, соф	0
90	Номоддий активлар, соф	0
100	Бошқа хусусий мулклар	0
101	а. Минус: Қўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси	0
102	б. Бошқа хусусий мулклар, соф (100 код – 101 код)	0
110	Бошқа активлар	111 860
120	Жами активлар (10+20+30+42+52+62+72+80+90+102+110)	2 847 174
	МАЖБУРИЯТЛАР ВА КАПИТАЛ	
	МАЖБУРИЯТЛАР	
210	Тўланиши лозим бўлган кредитлар ва қарзлар	0
220	Лизинг бўйича мажбуриятлар	0
230	Чиқарилган облигациялар	0
240	Тўланиши лозим бўлган фоизлар	0
250	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар	6 364
260	Муддатли ўзатирилган даромадлар	0
270	Бошқа мажбуриятлар	4 333
280	Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260+270)	10 697
	КАПИТАЛ	
310	Устав капиталли	500 000
311	а. Акциялар – оддий	0
312	б. Акциялар – имтиёзли	0
320	Қўшилган капитал	0
330	Захира капиталли	75 000
331	а. Умумий захира фонди	75 000
332	б. Бошқа захира ва фондлар	0
340	Тақсимланмаган фойда	1 098 975
350	Жорий йил фойдаси (зарар)	1 162 502
360	Жами капитал (310 + 320 + 330 + 340 + 350)	2 836 477
370	Жами мажбуриятлар ва капитал (280 + 360)	2 847 174

«ASKIYA LOMBARD» МЧЖНИНГ
молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи
2024 йил 31 декабрь ҳолатига

КОД	КЎРСАТКИЧЛАР	минг сўмда
	1. ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР	
110	Банклардаги депозитлар бўйича фоизли даромадлар	0
120	Жисмоний шахсларга берилган кредитлар (микроқарзлар) бўйича фоизли даромадлар	1 675 042
130	Ўзини ўзи банд қилган шахсларга берилган микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар	0
140	Янқа тартибдаги тадбиркорларга берилган кредитлар (микрокредитлар) бўйича фоизли даромадлар	0
150	Юридик шахсларга берилган кредитлар (микрокредитлар) бўйича фоизли даромадлар	0
160	Лизинг бўйича фоизли даромадлар	0
170	Бошқа фоизли даромадлар	0
180	Жами фоизли даромадлар (110+120+130+140+150+160+170)	1 675 042
	2. ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР	
210	Жалб қилинган қарз маблағлари бўйича фоизли харажатлар	0
220	Банклардан олинган кредитлар бўйича тўланиши лозим бўлган фоизли харажатлар	0
230	Бошқа кредиторларга тўланиши лозим бўлган фоизли харажатлар	0
240	Чиқарилган облигациялар бўйича фоизли харажатлар	0
250	Лизинг бўйича фоизли харажатлар	0
260	Бошқа фоизли харажатлар	0
270	Жами фоизли харажатлар (210+220+230+240+250+260)	0
	3. КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГЛАР БЎЙИЧА ҚЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР (180-270)	1 675 042
320	Минус: Кредит ва лизинглар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	0
330	Кредит ва лизинглар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар баҳолангандан сўнг соф фоизли даромадлар (310 – 320)	1 675 042
	4. ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР	
410	Кафолатлар ва кафиликлар бўйича операцияларни амалга оширишда кўрсатилган хизматлар учун олинган даромадлар	0
420	Факторинг хизматлари бўйича олинган даромадлар	0
430	Хизматлар ва бошқа воситачиликдан олинган даромадлар	0
440	Хорижий валюта курси ўзгариши натижасида олинган фойда	0
450	Инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар	0
460	Бошқа фоизсиз даромадлар	451 168
470	Жами фоизсиз даромадлар (410+420+430+440+450+460)	451 168
	5. ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР	
510	Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари	66 257
520	Хорижий валюта курси ўзгариши натижасида қўрилган зарарлар	0
530	Инвестициялардан қўрилган зарарлар	0
540	Бошқа фоизсиз харажатлар	78
550	Жами фоизсиз харажатлар (510+520+530+540)	66 335
600	6. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГАЧА СОФ ФОЙДА (330+470-550)	2 059 875
	7. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР	
710	Ходимлар иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	471 170
720	Ижара ва таъминот харажатлари	125 932
730	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	0
740	Маъмурий харажатлар	35 337
750	Репрезентация ва хайрия	12 555
760	Эскириш харажатлари	0
770	Сугурта, солиқ ва бошқа харажатлар	37 162
780	Жами операция харажатлар (710+720+730+740+750+760+770)	682 157
800	8. КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ҚЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШ	0
900	9. ФОЙДА СОЛИГИ ВА БОШҚА ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОЙДА (600-780-800)	1 377 718
	10. Фойда солиғи	
1000	Фойда солигини баҳолаш	215 217
1100	11. ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН ФОЙДА (900-1000)	1 162 502
1110	Фойдагача бўлган тузатишлар, соф *	0
1200	12. СОФ ФОЙДА (ЗАРАР) (1100+1110)	1 162 502

